

**ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: МУСТАҲКАМ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, МАВЖУД МУАМОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Юсупов Авазбек Тўхтамахмудович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиши академияси магистратура босқичи талабаси

Аннотация: мазкур мақолада мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куvvatлаш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий мазмун-моҳияти, мазкур соҳадаги қонунчилик ва уларни такомиллаштириши масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасидаги амалий чоралар расмий статистика маълумотлари асосида ёритиб берилган.

Калим сўзлар: хотин-қизлар, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий кафолат, қонуний манфаат, прокурор назорати.

Annotation: This article analyzes the main essence of measures being implemented in our country to protect women's rights, ensure their participation in state and public administration, and provide social support. It also examines legislation in this field and issues related to its improvement. Additionally, the article highlights practical measures taken by prosecutorial authorities to restore violated women's rights, based on official statistical data.

Keywords: women, social protection, legal guarantees, legitimate interests, prosecutorial supervision

Хотин - қизларга бўлган муносабат турли тарихий даврларда турли ҳукмрон сиёсий тизимлар ва ижтимоий шароитлар таъсирида ўзгариб келгани илмий манбалардан аён. Шунга қарамай, ўзбек аёллари ҳар қандай замон ва муҳитда ҳам ўзлигини сақлаб, жамият тараққиётига муносаб ҳисса қўшиб келганлар. Нафақат юртимиз, балки бутун инсоният тараққиёти учун ҳисса қўшган буюк алломаларни тарбиялаб вояга етказган оқила хотин - қизларимиз миллатимиз фахридир. Ибн Синонинг онаси Ситорабону, Имом Бухорийнинг онаси Фотимабегим, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг онаси Биби Орифабегим сингари фозила аёллар ана шундай комила аёллар тимсолида тарихимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашган.

Давлат бошқаруви, ҳарбий ишлар, юрт ҳимояси, ободлик, ишбилармонлик, таълим - тарбия ва адабиёт соҳаларида фаолият юритган Тўмарис, Сароймулхоним, Гавҳаршодбеким, Нодирабеким, Увайсий, Анбар отин каби аёллар ўз даврининг етакчи шахслари сифатида юртимиз тараққиёти йўлида улкан ишлар амалга оширган. Мустабид тузум даврида жадид боболаримиз билан елкама-елка туриб, миллат

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

тараққиёти ва озодлиги йўлида фидокорона курашган Хайринисо Мажидхонова, Марям Султонмуродова, Хадича Алиева, Дилоро Юсупова каби маърифатпарвар аёлларнинг жасорати ва фидойилиги бугун ҳам халқимиз хотирасида яшаб келмоқда.

Юридик соҳани ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова, Ҳалима Мухитдинова каби таниқли ҳукуқшунослар яратиб кетган мактаб ва бой илмий мерос ҳанузгача соҳа мутахассислари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ўзбек аёлларининг орзу-армонлари, севги ва садоқати, она Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ҳақида бетакрор асарлар яратган Зулфия, Ҳалима Худойбердиева каби сўз санъати усталарининг ижоди бугунги кунда ҳам кўплаб ёшларимизга илҳом бағишлаб, уларни юксак мэрралар сари руҳлантириб келмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрнини, уларнинг қадрланишини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз ҳётимизнинг маъно-мазмуни, бутун борлигимизни сиз, қадрли опа-сингилларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Сизлар биз учун ҳамиша гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат, қаноат ва шукроналик тимсоли бўлиб келгансиз ва доимо шундай бўлиб қоласиз” деган сўзларида ҳам кўришимиз мумкин. [1]

Асосий мезон — инсон манфаатлари

Таъкидлаш жоизки, бугун Янги Ўзбекистонимиз демократия тамойиллари ва инсон ҳукуқ ҳамда эркинликларига оид умумэътироф этилган меъёр ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик асосида изчил ривожланиб бораётган давлатдир. Унинг бош мақсади — халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратишидир. Айни пайтдаги тараққиёт босқичида барча ислоҳотларнинг асосий мезони инсон ва унинг манфаатлари ҳисобланади. Давлат сиёсатида халққа хизмат қилиш, аҳоли розилигига эришиш, уларнинг дарду - ташвишларига шерик бўлиш ҳамда муаммоларини ҳал этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараёнларда очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилган ҳолда, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, хотин - қизларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси, эҳтиёжманд аёлларни ижтимоий қўллаб - қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган саъй - ҳаракатлар изчил ва тизимли равища давом эттирилаётгани эътирофга лойик. Бу борада, ҳукуқшунос олим М.Фарҳутдинованинг таъкидлашича “аслида гендер тенглик, хотин - қизлар ва эркакларнинг тенг ҳукуқлилиги ифодаловчи инсоннинг энг муҳим табиий ҳукуқларидан биридир. Чунки, гендер тенгликни таъминланиши орқали аёлларнинг шахсий эркинлиги ва даҳлсизлиги таъминланади ва аёлларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини намоён қилиш имконияти кафолатланади”. [2]

Ушбу саъй - ҳаракатлар самараси ўлароқ мамлакатимизда хотин - қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ҳаётида

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

аёлларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ижтимоий - иқтисодий ва хукуқий жиҳатдан қўллаб - қувватлаш, шунингдек, тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг юксак сиёсий иродаси туфайли хотин - қизларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда аёллар жамиятнинг барча жабҳаларида, хусусан, ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда фаол иштирок этмоқдалар, муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида уларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётир.

Кўрилган чора - тадбирлар самараси ўлароқ, қисқа вақт ичида халқаро стандартларга мос келувчи миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Бугунги кунга қадар 80 дан ортиқ норматив - хукуқий ҳужжатлар қабул қилингани бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Хукуқий кафолатлар

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин - қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Хотин - қизлар ва эркакларга teng хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Хотин - қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги муҳим қонунлар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

2022 - 2026 йилларда хотин - қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур амалиётга самарали татбиқ этиб келинмоқда.

Гендер тенглик сиёсатини тўғри йўлга кўйиш ва уни тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар мўлжалланган гендер тенгликка эришиш Стратегияси қабул қилинди. Қонунчиликка норматив - хукуқий ҳужжатларни гендер экспертизадан ўtkазиш, гендерга асосланган миллий бюджетни қабул қилиш, гендер аудит каби тушунчалар киритилиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

Муҳим қадам

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, аёллар давлат бошқаруви ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этган мамлакатларда ижтимоий тенглик ва адолат юқори бўлади. Аёлларнинг давлат бошқарувида, жамоатчилик ташкилотларида фаоллиги коррупцияни камайтириб, шаффофликни оширади ва инсон хукуqlарини таъминлашга ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан юртимизда аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини кучайтириш мақсадида қонунчиликка муҳим ўзгартишлар киритилди. Хусусан, Сайллов кодексига мувофиқ, сиёсий партиялар депутатликка номзодларни кўрсатишида

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

уларнинг камидаги 40 фоизи ёки ҳар беш номзоддан иккитафари аёл бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди. Бу меъёр хотин - қизларнинг сиёсатдаги фаоллигини ошириш ва уларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидағи иштирокини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.

Aёл раҳбар бўлган жамият

Аёл раҳбарларнинг жамиятдаги улуши ортиши натижасида давлат бошқаруви самаралироқ бўлади, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади ва ижтимоий адолат таъминланади. Жаҳон банки ва БМТ тадқиқотларида кўра, раҳбарлик лавозимларида хотин - қизлар сонини кўпайтирган мамлакатларда бу ҳол ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, гендер тенгликни таъминлаш нафақат аёллар, балки бутун жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда ҳам раҳбарлик лаёқатига эга хотин - қизлар юксак даражада қадр топмоқда. Жумладан, 2016 йилда раҳбар лавозимлар учун захирага олинган аёллар сони 3 мингдан зиёдни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 25 минг нафардан ортгани фикримизнинг исботидир.

Таъкидлаш жоизки, хотин - қизларнинг даромадли меҳнат билан шуғулланиши оила фаровонлигини оширади, мамлакатдаги камбағаллик даражасини пасайтиради. Бирор касбий билим ва кўниkmaga эга бўлган аёл ўз фарзандларининг ҳам яхши таълим олишига аҳамият беради. Зиёли оналар болаларининг илм олишини устувор вазифа сифатида кўради ва бу келажак авлоднинг юқори салоҳиятли қадр бўлиб этишиши учун энг муҳим кафолатдир.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда хотин - қизларнинг касбий малака олиши, муносиб иш билан таъминланиши ва тадбиркорликда фаол бўлиши ҳам эътибордан четда эмас. Айни пайтда юртимизда ишбилармон аёллар сафи иккита баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин - қизлар сони 205 мингдан ортди, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида аёллар улуши 46 фоизни ташкил этмоқда. Кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан, хусусан фермер хўжаликларининг 4 мингдан ортигини хотин - қизлар бошқармоқда.

Биргина 2024 йил бошидан 130 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 2,6 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 40 минг нафар хотин - қизга салкам 217 миллиард сўм субсидия ажратилган.

254 мингга яқин аёллар касб - хунар ва тадбиркорликка ўқитилган, 250 мингдан ортиқ хотин - қизлар бўш иш ўринларига иш билан таъминланган.

Хотин - қизлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига 148 352 та янги иш ўрни яратилган.

Кучли ижтимоий ҳимоя

Хотин - қизларни ижтимоий қўллаб - қувватлаш нафақат уларнинг шахсий фаровонлигини таъминлаш ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва келажак авлод камолотига таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ҳимоя, айниқса, ногиронлиги бор, кам таъминланган ва эҳтиёжманд хотин - қизлар

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

учун жуда муҳим. Чунки кучли ижтимоий ҳимоя болаларнинг соғлом улгайиши, оналик муҳофазаси ҳамда оилаларда барқарор муҳит яратилишига ёрдам беради. Халқаро тадқиқотларга қўра, аёлларга кўпроқ имкониятлар яратилган жамиятларда болалар ўлими камайиб, оилалар турмуш фаровонлиги ортиши кузатилади.

Юртимизда бу борадаги натижалар ҳам қувонарли: меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларига кўмаклашиш, ижтимоий ёрдамни адолатли, аниқ манзилли ҳамда шаффоф тарзда ташкил этиш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби мутлақо янги ва ўзига хос механизм яратилгани мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янги босқичга олиб чиқди. Бу дафтарлар орқали эҳтиёжманд фуқароларни аниқлаш, уларга мақсадли ёрдам кўрсатиш ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина “Аёллар дафтари” тизими орқали 2021—2024 йиллар давомида 3 154 941 нафар хотин - қизларга амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур дафтарга киритилган хотин - қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 5 трлн 601 млрд сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари белгиланди. [2]

Прокуратура – хотин-қизлар манфаатлари ҳимоячиси

Хотин - қизлар ҳуқуқларини муҳофaza қилиш — прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишига айланган. Юқоридаги ислоҳотлар жараёнида прокуратура органларининг тутган ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 1 мартағи “Оила ва хотин - қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан прокуратура органлари тизимида 18 нафар штат бирлигидан иборат Хотин - қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими ташкил этилди. Айни пайтда мазкур бўлим фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, соҳада қонунийликни таъминлашнинг барча чоралари қўрилмоқда. Фақатгина 2024 йилнинг ўзида прокурорлар томонидан 76 845 нафар хотин - қизга ижтимоий - иқтисодий масалаларда амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 28 394 нафар аёл бир марталик молиявий кўмак сифатида жами 29 миллиард сўм ёрдам олди, 320 нафар хотин - қиз уй-жой сотиб олиш учун 8,6 миллиард сўмлик субсидия билан таъминланди, 499 нафарининг эса турар жойлари капитал таъмирлаб берилди.

Меҳнат билан банд бўлган аёлнинг ҳаётга бўлган иштиёқи, мақсад сари интилиши ва руҳий барқарорлиги ошади. Иш аёлга нафақат молиявий мустақиллик, балки шахсий камолот, ижтимоий фаоллик ҳамда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

имкониятини ҳам беради. Шу билан бирга, меҳнат фаолияти аёлларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, қобилиятларини намоён этиши ва ўзини нафақат оиласи, балки жамият учун ҳам фойдали шахс сифатида ҳис қилишига замин яратади.

Прокуратура органлари томонидан хотин - қизлар бандлигини таъминлаш масаласи шунинг учун ҳам доимо долзарб аҳамиятга эга. Жумладан, ўтган давр мобайнида 29741 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган бўлса, шундан 1 876 нафарига тикув машинаси ва бошқа асбоб - ускуналар берилди, бу билан уларнинг ўз меҳнати орқали даромад топишига шароит яратилди; 4 469 нафарининг жамоат ишларга жалб қилингани эса уларнинг ҳар бирида ижтимоий фаолликни кучайтирди; 17 448 нафари турли ишга жойлаштирилгани шунча оиласда молиявий барқарорлик ва оиласий фаровонлик таъминланишига туртки бўлди.

7 771 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, сертификат берилди ва бандлиги таъминланди. Улардан 2 985 нафар аёл турли соҳаларда ишга жойлашиб, меҳнат бозорида ўз ўрини топди; 3 204 нафар хотин - қиз эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўз бизнесини бошлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ажратилган 7 млрд 691 млн сўмлик маблағ ҳисобидан 12 482 нафар хотин-қизга амалий ёрдам қўрсатилди. Бу саъй-ҳаракатлар уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва турмуш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган 5 798 нафар хотин-қизга 87,1 млрд сўмлик субсидия ва кредитлар ажратилишида амалий кўмак қўрсатилгани эса уларнинг мустақил иқтисодий фаолиятини қўллаб - қувватлаш, бизнесини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини оширишга қувват берди.

Мазкур чора - тадбирлар аёлларнинг хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам хуқуқий асос бўлди.

Хотин - қизларни тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида хуқуқий муҳофаза механизмилари яратилди. Жумладан, жабрланган аёлларни давлат ҳимоясига олиш, ҳимоя ордери бериш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин - қизларга манзилли ёрдам қўрсатиш, уларга хуқуқий, психологик ва ижтимоий қўллаб - қувватлаш хизматларини тақдим этиш мақсадида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолият қўрсатмоқда.

Мазкур йўналишда прокурорлик назорати самарали амалга оширилиб, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги мунтазам ўрганиб борилмоқда. Бу эса хотин - қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, ўрганишлар натижасида туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари томонидан 41 та ҳолатда ноқонуний қарорлар қабул қилингани аниқланди. Оқибатда, тазийқ ва зўравонликка учраган хотин - қизларнинг қонуний хуқуqlари поймол этилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича чоралар кўрилди, ноқонуний қарорлар бекор қилиниб, зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиши таъминланди.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

Афсуски, ислоҳотларни секинлаштирадиган ва хотин - қизларнинг ижтимоий ҳимоясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар учраб турибди. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ салбий ҳолатлар бунинг исботи. Яъни жамғарма маблағлари асосан эҳтиёжманд хотин - қизларга йўналтирилиши лозим бўлса-да, айрим ҳолларда улар ҳақиқий эҳтиёжманд эмас, бошқа шахсларга ёки белгиланган мақсаддан ташқари йўналишларга сарфланган. 2024 йил давомида Оила ва хотин - қизлар қўмитаси тизимида 8 та коррупцион жиноят аниқланган бўлиб, шулардан 4 таси “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш жараёнида содир этилган.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлиш ва ўзини - ўзи банд қилиш мақсадида зарур асбоб - ускуна ҳамда меҳнат қуролларини харид қилиш учун ажратилган субсидиялар билан боғлиқ ҳолда фирибгарлик жинояtlари ҳам содир этилмоқда.

Яққол мисол сифатида Наманганд шаҳар Оила ва хотин - қизлар бўлими бош мутахассиси Д. Б. томонидан содир этилган қонунбузарликни кўрсатиш мумкин. У эҳтиёжманд хотин - қизларни четлаб ўтиб, “Аёллар дафтари”га киритилмаган ўзининг яқин қариндошлари ва бошқа шахсларга сохта ҳужжатлар орқали 189 миллион сўмни ноқонуний равища ажратган. Оқибатда жамғарма маблағлари талон - торож қилингани аниқланиб, унга нисбатан суд хукми билан жазонинг мукаррарлиги таъминланган.

Юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, уни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиш зарур. Шу билан бирга, мазкур жараённи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан назорат қилиш тартибини жорий этиш таклиф этилмоқда.

Хотин - қизлар ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги тўсиқлар ва ечимлар

Ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак-да, Ўзбекистонда хотин - қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганига қарамай, ҳалигача ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар сақланиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Биринчидан, сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш мақсадида 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Парламентда хотин - қизлар сони 32 фоизга этиб, дунёдаги 190 та парламент орасида 37 - ўринни эгаллади. Шу билан бирга, бошқарув лавозимларида хотин - қизлар улуши 27 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткичлар ижобий ўзгаришларни кўрсатса - да, раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг иштироки ҳали ҳам етарли даражада эмас.

Иккинчидан, хотин - қизларнинг тадбиркорлиқдаги улуши 35 фоизни ташкил этса - да, қишлоқ жойларида аёллар учун муносиб иш ўринларини яратиш ва

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart

уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш борасидаги муаммолар сақланиб қолмоқда. Аёлларнинг ер ва мулкка эгалик қилиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Учинчидан, олий таълим муассасаларида хотин - қизлар улуши 40 фоизга етган бўлса-да, уларнинг муҳандислик, ахборот технологиялари ва хуқуқшунослик каби соҳалардаги иштироки паст даражада қолмоқда. Бу соҳаларда аёлларнинг улушкини ошириш учун қўшимча чоралар кўриш лозим.

Тўртинчидан, хотин - қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳанузгача долзарб муаммо бўлиб, унинг олдини олиш ва жабрланувчиларни қўллаб - қувватлаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Бу борада халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, жамиятда аёллар ва эркаклар роллари бўйича анъанавий қарашлар сақланиб қолмоқда, бу эса гендер тенглика эришишда тўсиқ бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари орқали гендер тенгликни тарғиб қилиш ишларини кучайтириш мазкур қарашларни ўзгаритишга ҳисса қўшади.

Хуроса қилиб айтганда, Ўзбекистонда хотин - қизларнинг хуқуқларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида муайян ютуқларга эришилган бўлса - да, ҳали ҳам қонунларни амалиётга татбиқ этиш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, таълимдаги тафовутларни бартараф этиш, зўравонликка қарши курашиш ва жамиядаги номақбул қарашларни ўзгартириш каби соҳаларда тизимли ишлар олиб борилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда бутун ҳалқимиз қатори хотин-қизларимиз учун ҳам муносиб шароитларни яратиб бериш – энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. Интернет манбаси: <https://president.uz/uz/lists/view/7076>

2. М.Фарҳутдинова. Ўзбекистон қонунчилигига гендер тенглиги ва хотин-қизлар хукуқларининг кафолатлари. “Замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва унга қаратилган қреатив ғоялар, таклифлар ва ечимлар” мавзуусидаги 75-сонли Республика илмий-амалий онлайн конференцияси. 2025. 109–112-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.